


Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари

Режа:


- 1. Эмпирик социологик тадқиқот, унинг асосий босқичлари.**
- 2. Социологик маълумотларни йиғиш усуллари: кузатиш, сўров, ҳужжатларни ўрганиш, экмperiment.**
- 3. Социологик маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хуроса ясаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.**
- 4. Социологик тадқиқот натижаларидан амалий фойдаланиш.**
- 5. Социологик мониторинг.**





I Босқич. Социологик тадқиқотни тайёрлаш ва ташкил қилиш:

- 1.1. Амалий социологик вазифани белгилаш ва тадқиқот предметини танлаш;
- 1.2. Социологик тадқиқот ўтказиш бўйича буюртма қабул қилиш ва уни ўтказиш бўйича шартнома тузиш;
- 1.3. Бажариладиган ишлар бўйича календар режа, техник вазифаларни ва бюджет /сарф қилинадиган ҳаражатлар сметасини/ тузиш;
- 1.4. Дастур ишлаб чиқиш;
- 1.5. Тадқиқот услубиёти, техникаси ва воситаларини ишлаб чиқиш.



олиб.

II Босқич. Асосий бўлиб, амалий тадқиқот ишлари
бориш жараёнини ўз ичига олади:

- 1.1. Социологик тадқиқот танловини ўтказиш;
- 1.2. Пилотаж;
- 1.3. Дастребки социологик маълумотларни йиғиш;
- 1.4. Эмпирик маълумотларнинг сифат ва аниқлик
даражасини назорат қилиш;



III Боскич. Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш:

- 1.1. Олинган эмпирик маълумотларни гуруҳларга ажратиш;
- 1.2. Тақсимий жадвал тузиш;
- 1.3. Эмпирик маълумотларни компьютерларга киритиш ва моделлаштириш;




IV Босқич. Якунловчи босқич бўлиб, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, улардан илмий хуносалар чиқариш ва амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиши ўз ичига олади:

- 1.1. Тадқиқот маълумотларининг дастлабки таснифи ва назарий жиҳатдан фахмламоқ;
- 1.2. Илмий назарий хуносалар, муайян илмий-амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш;
- 1.3. Берилган вазифа бўйича илмий матнлар, ҳисоботлар тайёрлаш.



I. Назарий-методологик қисм:

- 1.1. Социологик муаммони ишлаб чиқиш, тадқиқот мақсади ва вазифасини белгилаш.
- 1.2. Тадқиқот объекти ва предметини белгилаш.
- 1.3. Асосий тушунчаларни ишлаб чиқиш.
- 1.4. Тадқиқот предметининг дастлабки тахминий таҳлили.
- 1.5. Ишчи фаразни ишлаб чиқиш.



- II. Амалий социологик тадқиқот иш жараёни қисми:
- 2.1. Тадқиқотнинг умумий режаси.
 - 2.2. Асосий амалий иш жараёнлари.
 - 2.3. Танлов ишлари
 - 2.4. Дастребаки олинган социологик маълумотларни таҳлил қилиш усулларининг таснифи
 - 2.5. Тадқиқот натижаларини умумлаштириш назарда тутилган йўналишлар.



III. Хулоса қисми:

- 1.1. Тадқиқот натижаларини мазмунан таснифи.
- 1.2. Буюртмачига тадқиқот натижаларини такдим
қилиш шакллари /асосий хулосалардан иборат ҳисобот,
амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлардан иборат/.



Социологияда энг күп кулланиладиган усуллар:

- 1.Суров**
- 2.Интервью олиш**
- 3.Кузатиш**
- 4.Эксперимент**
- 5.Лонгитюд**
- 6. Социометрия**
- 7.Хужжатларни тахлил килиш**
- 8.Анкета**
- 9.Дала усулари**
- 10.Терма (выборка)
ва бошклар**



Мониторинг – бу социологик тадқиқотларни ўтказиш, социологик жараёнлар ҳақидаги ахборотлардан доимий фойдаланишни таъминловчи тизимдир.

Социологик амалиётга тушунча экологиядан кириб келган. Экологик тадқиқотларда у атроф-муҳитни узлуксиз назорат қилишни билдиради.

Социологик мониторинг бошқарув жараёнининг социологик таъминотини сезиларли даражада яхшилайди.




СИФАТЛИ ТАДҚИҚОТ – нима?

- Сифатли тадқиқотлар биринчи навбатда, социал амалиётдаги **индивидуал** ҳолат, яъни аниқ бир шахснинг аниқ бир шароитдаги реал ҳаётий тажрибасини ўрганиш учун ўтказилади.
- Сифатли тадқиқотларда маълумотлар кузатиш, интервью, ҳужжатларни таҳлил этиш (асосан, фото ва видеоманбалар орқали) усулларидан ташқари, биографик, фокус-грух тадқиқотлар ёрдамида қўлга киритилади.

Сифатли тадқиқотлар нималарда ўз ифодасини топади?




- 1. Социал ҳаётнинг нотузилмавий шартли “гувоҳ”лари, яъни инсоннинг ҳаёт йўлини ифодаловчи фотоальбомлар, давр гувоҳлари бўлган буюмлар, турли йилларда ёзилган кундалик биографик маълумотлар, шахсий ва расмий фуқаролик ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, турли даврга оид техник восита ва буюмлар, китоб, газета, картиналарда ўз ифодасини топади




Сифатли тадқиқотнинг социал жанри

- Индивидуал шахс билан тадқиқот ўтказган ҳолатда ижтимоий ҳаётдаги социал групкалар (партия, этнос, омма, публика, страталар ва б.), социал институтлар (оила, дин, бизнес ва б.), социал муносабатлар (конформизм, низоли вазиятлар ва б.) даврий социал вазият юзасидан очиб берилади

Социолог нима учун сифатли тадқиқотга мурожаат қилади?



- 1. Ўрганилаётган муаммонинг табиати. Сабаби айрим ўзига хос бўлмаган масалаларни фақат сифатли усуллар ёрдамида ўрганиш талаб этилади (м-н, социал касалликлар, диний эътиқод, наркотик қабул қилувчилар ва б.). Ҳар бир тадқиқот муаммонинг янги қирраларини қандай ҳал этиш йўлларини очиб беради.
- 2. Тадқиқотчи инсоннинг ички дунёсига унинг ўз ҳоҳиш-истаги билан киради. Айнан шу ерда **социаллик** ўз ифодасини топади.



Сифатли тадқиқотларнинг ФОКУСИ -

- Социал дунёning моделини қидиради;
- Тадқиқот обьекти: индивид социал роллар ижрочиси;
- Тадқиқот предмети: социал роллар ва унинг ижроси;
- Индивидуалликни ҳис қилиш хусусиятлари;
- Тадқиқот ғояси – гуманистик;
- Таҳлил даражаси: микрожараёнлар
- Тадқиқот тили




Тадқиқот стратегияси

- ***Тадқиқот масалалари:***
- Муаммо тизимини англаб етиш учун, тадқиқотчи бир томондан тарихий жараённи яхши англаб етиши ва иккинчи томондан, микдорий социологик тадқиқот натижаларидан ҳам хабардор бўлиши керак;
- Тадқиқотдаги сифатийлик қўйи поғонада асосий ролни ўйнайди, яъни индивиднинг ҳаётий тажрибаси, аниқ танлаб олинган одамларнинг ҳаяжонлари тингланади ва тушунилади.
- ***Масалан: мигрантларнинг замонавий техник имкониятлардан фойдаланиш частотаси***



Тадқиқот стратегиясими тасвирилш:

- 1. Табий ҳолатда;
- 2. Сунъий ҳолатда;
- 3. Түғридан-түғри;
- 4. Умумлаштирилган;
- Тахлилий;
- Статистик;
- Субъектив;
- Бир ўлчовли;



Сифатлы тадқиқотларда таҳлил бирлиги:

- субъектив аҳамият касб этади, ҳиссиёт.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари:

- объектни талқин қилиш, кузатилаётган жараённи тушуниш, амалиётни назарияга айлантириш.

Усул:

- юмшоқ муносабат, қайноқ тасавурлар, вақтни тасавур қила олиш

Ишончлилик (валидность):

- маълумотларни аниқ текшириб олиш.

Мантиқий таҳлил:

- Индуктив: ҳаётий қиссадаги далиллардан илмий таълимотга ўтиш.




Муаммога қизиқиши ракурси нима учун?

- Жамиятдаги турли хил социал гурухларнинг умумий турмуш тарзини тизимли таҳлил этиш. Масалан, ўқитувчи, тижоратчи, мигрант, таксист, нафақахўр, талаба ва ҳ.з.
- Социал таҳликага тушилган вақтда кечирилган ҳаяжонлар. Масалан, абитуриент талабаликка қабул қилинмаса, нафақага чиқиш вақтида, иш жойидан қисқартиришга тушиб қолганда, оила ажралишиб кетиш вақтида, оиласдан кимдир узоқ муддатга бошқа мамлакатга чиқиб кетганда ва ҳ.з.



Қидириш (поисковой) стратегиясидан нима наф?

- Мумтоз социологлар У.Томас ва Ф.Знанецкийларнинг “Польяк дехқони Европа ва американада” асарининг таҳлили. Унда жамиятдаги кескин социал ўзгаришларнинг анъанавий жамият ҳаётига ўтказадиган таъсирини ўрганиш асосида инсон ички дунёсида кечган ҳолатларнинг тизимли таҳлили берилади.
- Тадқиқотда ўзга бир жамиятдаги маданият бир қатламга ўз таъсирини ўтказиши мумкинлиги, иккинчи бир социал қатлам ўз маданиятини ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилиши таъкидланади. Демак, сифатли тадқиқотлардаги этнографик ёки социалантропологик жиҳат ДИАСПОРАларни шакллантириш ва уларнинг истиқболдаги социал манзааси таҳлил этилади.



Социал ўзгаришлар туфайли қайси жиҳатлар сифатли усул орқали ўрганилади?

- 1. Социал жипслилиқдан индивидуализмнинг қай даражада ажралиб чиқаётганлиги, социал ташкилотчиликда вужудга келаётган индивидуализм ёки “атомизация”нинг онгга таъсири;
- 2. индивидуализм ва жамоавийлик ўртасидаги мувофиқлик даражаси, вужудга келиши мумкин бўлган социал муаммолар;
- 3. Инновацион жараёнлар натижасида социал назоратдан четга чиқиш ва аҳлоққа зид (анормаль) ҳулқ-атворнинг шаклланиши (жиноятчилик, наркомания, алкоголизм, фоҳишабозлик ва б.);
- 4. Мехнатга оммавий лаёқат маъсулиятини бузилиши ва бандлик муаммосининг вужудга келиши;
- 5. Социал назоратнинг ўзгариши натижасида жинсларнинг ўзаро муносабати ва жамoa ҳамда оила ҳамкорлик алоқаларининг бузилиши;
- 6. Социал баҳт муаммоси



Сифатлы тадқиқот усулларининг таснифи

- **Кейс-стади (алоҳида ҳолатни тадқиқ этиш):**
- Ушбу усул воситасида чегараланган, ёпиқ жамоалар (жиноятчилилар, уй-жойсиз кўчада қолганлар, алкоголь ичимликка ружу қўйганлар, қашшоқлар) ўрганилади. Кейс-стади тадқиқот объекти қизиқиши чегараланган макон билан боғлиқ: мас-н, талабалар аудиториясида гурӯҳ бошлиғи, ишчилар орасида бригадир ва ҳ.з. Эксперт баҳолаш усулидан фарқли равишда, бунда респондент узоқ вақт тадқиқот объекти бўлиб қолиши мумкин.



Сифатлы тадқиқот усулларининг таснифи 2.

- **Оғзаки тарих:**
- Ким билан ишланади;
- Интервью (сұхбатлашиш) қандай ташкиллаштирилади;
- Ҳаққонийлик ва ахлоқ масалалари;
- Овозни ёзиб олиш технологияси;
- Социал коммуникация;



Сифатлы тадқиқот усулларининг таснифи 3.

- **Хаёт тарихи ёки биографик усул:**
- Болалиқдан мукаммалликка ва кексаликка бўлган индивидуал хаёт йўлини ўрганиш;
- **Амалга ошириш босқичи:**
- Хронологик тартибда хаётда босиб ўтилган ва кечирилган социал воқеликларни қайд қилиш;
- Хаётдаги мухим жиҳатларни социал тарих билан боғлаш;
- Хаётдаги воқеликларни индивидуал хаёт билан боғлаш;
- Тадқиқотчи инсон хаётидаги алоҳида воқеликларни қайд қилиб бориши;
- Моҳиятни аниқлаштириш мақсадида янги манбалар билан солиштириш.



Сифатли тадқиқот усулларининг таснифи 4.

- **Оила тарихи:**
- Тадқиқотчи оиланинг тарихий ва замонавий жиҳатларига эътибор қаратади (имкон қадар турли авлод вакиллари);
- Оила тарихига оид ҳикоялар эшитилиб таҳлил этилади ва архив манбалари билан қиёсланади;
- Оила яшаган ҳудуд ва унинг оилавий муносабатларга таъсири;
- Оиладаги ворислик ва генеологиянинг социологик таҳлили.



Сифатли тадқиқот усулларининг таснифи 5.

- **Авлодлар тарихи ёки авлодлар алмашуви:**
- Авлодлар ва улар ўртасидаги ворислилик;
- Даврнинг авлодлар ҳаётига таъсири;
- Техник тараққиётнинг таъсири натижасида авлодлар алмашинувидаги масофанинг қисқариши;
- Авлодлар алмашинувидаги социал низолар;
- Герентология.



Сифатли тадқиқотларнинг усул ва ахборот манбалари

- 1. Кузатиш усули;
- 2. Интервью (сұхбатлашиш) усули;
- а) Нarrатив сұхбатлашиш (ҳикоя, повест), б)
биографик сұхбатлашиш, в) фокус сұхбатлашиш
(хаёттій воқеълик түғрисида имкон қадар күп билиш);
- 3. Фокус-груп тадқиқотлар;
- 4. Шахсий ҳужжатларни таҳлил қилиш усули;
-



Қайси ҳолатларда сифатли социологик тадқиқотларга мурожаат қилинади?

- 1. Кишиларнинг кундалик турмушида айримлар социал ҳаётга кўнишка ҳосил қилиб, қолган бошқа қисм мослаша олмагандан;
- 2. Муаммо юзага келган бўлса-ю, аммо у ҳали тўлиқ тадқиқ этиш ҳолатига етиб келмаган бўлинса;
- 3. Муаммони чуқурлаштирилган ҳолда чуқур тасвирлаб бериш имкони вужудга келганда, уни мавжуд усулларни қўллаб тадқиқ этишни давом эттириш;
- 4. Индивидни bemalol табиий шароитда ўрганиш имкони мавжуд бўлгач, дала тадқиқотларни бошлаш;
- 5. ушбу усул инсон индивидуал кечинмалари ва ҳиссий дунёсини ўрганиб, уни социал ҳаётга бўлган кўникмасини шаклланишига оид таҳлилий холосалар чиқариш имконини беради.



Сифатли тадқиқот усуллари қандай ташкиллаштирилади?

- Тадқиқотчининг назарий-услубий таклифлари дастур шаклида ишлаб чиқилади;
- Тадқиқотнинг мўлжали таҳминан аниқлаштирилади;
- Муаммога оид илмий маълумотлар тўпланади;
- Муаммо бирламчи тасвирланади;
- Тадқиқот обьекти юзасидан концепция ишлаб чиқилади;
- Муаммонинг илмий таснифи ёзилади;
- Якуний матн (хуроса) ёзилади.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ